
Биография

Зариббой Дўсимов



Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Зариббой Дўсимов 1946 йил 20 майда Хоразм вилояти Манғит тумани (ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани) Қиличбой қишлоғида зиёли оиласида туғилди. Дастлабки таълимни қишлоқ мактабида олган бўлажак олим 1966 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида таҳсил олди. Институтни битиргач, Амударё туманидаги 18-мактабда ўқитувчилик қила бошлади. 1968-71 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг диалектология секторида лаборант, илмий ходим лавозимларида ишлади. 1970 йилда А.Ишаев раҳбарлигида “Шимолий Хоразм топонимлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 24 ёшида фан номзоди илмий даражасини олиш ўша давр учун ноёб ҳодиса эди. 1971 йилдан бошлаб унинг илмий-педагогик фаолияти Урганч давлат университети билан боғланди. У мазкур университетда катта ўқитувчи, декан муовини, кафедра мудири, декан, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлади.

З.Дўсимов ўзбек тилшунослигининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, фанимизнинг ономастика соҳаси шаклланиши ва тараққиётида алоҳида ўрни бўлган олимлардан ҳисобланади. 1986 йили “Хоразм топонимлари тарихий-лисоний таҳлили” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Мазкур иш республикамизда топонимика соҳасида дастлабки докторлик диссертацияси эди. 1993 йил унга профессорлик унвони берилди.

У узоқ йиллар давомида Тошкент ва Нукус шаҳарларида ташкил этилган ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди.

Ўзбек ддавлатчилигининг чуқур илдизларини асослаб берувчи тарихий манбалар, жумладан, “Авесто” ва ўзбек адабий тили ҳамда шевалари муносабатлари, субстрат лексика муаммолари илк бор олим илмий фаолиятида жиддий таҳлил қилинди.

Асарлари:

1977 Жой номларининг қисқача изоҳли луғати

1985 Хоразм топонимлари
Изучение лингвистических особенностей географических названий

1995 Она тилидан ихтисослашган мактаблар учун дастур

2001 Жой номларининг сири

2002 Топонимика асослари
Умумий тилшунослик
Ўзбек тили (таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун)

Copyright © 2022
All Rights Reserved.